Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
30 апрель
ШАНБА

№ 34
(12.358)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Вилоят ҳаёти

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ижтимоий-иқтисодиёт коллежида Юртбошимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асари асосида билимдонлар беллашуви ўтказилди.

Коллежнинг педагогика, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳуқуқшунослик бўлимлари талабалари тўртта шарт бўйича куч синашдилар. Ҳуқуқшунослик бўлими талабалари ғолибликни қўлга киритдилар.

Аллома АЗИЗОВА.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

КЎНГИЛЛИ САЁҲАТЛАР

"Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятида ишловчиларни мамлакатимизнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари билан таништириш яхши анъанага айланди.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларига сайру саёҳатлар уюштирилаяпти. Фақат сўнгги бир йилда 2268 ишчи-хизматчи шундай саёҳатларда бўлиб, юртимизнинг бой тарихи, маданий-меъморий осориатиқалари билан танишди.

Жўрабек МУРОДОВ.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ

ЗАФАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Фарғона вилояти Ёзёвон туманида 1997-1998 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида белбоғли ва бел олиш кураш тури бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақада паркентлик ҳамюртларимиз, айниқса, маҳорат кўрсатдилар. 43-мактабдан Иброҳим Аҳмедов 55 килограмм вазнда Ўзбекистон чемпиони бўлди. 9-мактабдан Шаҳзода Ўринбоева, Гуллола Тожибоева, Хумора Эргашева, 45-мактабдан Бунёд Маҳкамов, 31-мактабдан Мирсобит Шарофиддинов, 30-мактабдан Аҳмаджон Акбаров ўз вазн тоифаларида совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Шуҳрат ЭРКАБОЕВ.

ТЕРМИЗДА УМИД МАШЪАЛАСИ НУР СОЧАЯПТИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий этилган уч босқичли – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақалари бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад мамлакатимиз ёшларини спорт билан шуғулланишга оммавий жалб этиб, улар ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришдир.

Уч босқичли мусобақаларни Олимпия ўйинларига қиёслаб машъала ёқиш маросими замирида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Ният – спорт билан мунтазам шуғулланаётган ёшлар орасидан етишиб чиқадиган вакилларимизнинг қитъа ва жаҳон чемпионатлари, Олимпия ўйинларида ғалаба қозониб, Ватанимиз шуҳратини дунёга таратишларига эришиш.

Вилоятдошларимиз учун қувонарли жиҳати шуки, ушбу анъанавий мусобақалар машъаласи ҳар сафар Паркент туманидаги "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институтида бевосита қуёш нурларидан аланга олдирилади. Шу нуқтаи назардан вилоятимиз уч босқичли мусобақаларга ҳар сафар маълум маънода ярим мезбонлик қилади, десак муболаға бўлмайди.

Бу гал ҳам шундай бўлди. "Баркамол авлод – 2011" мусобақаларининг "Физика-Қуёш" бирлашмасида ёндирилган машъаласи таниқли спортчиларимиз – ўсмирлар ўртасида биринчи Олимпия ўйинлари совриндори, боксчи Сардор Бегалиев, шотакан каратэ-до бўйича Жаҳон кубоги мусобақалари ғолибалари Зулхумор Бобоева ва Севара Абдулҳакимова, Паркент тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси, кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони Элбек Раҳматов қўлларидан ўтиб, Термизга йўл олди.

Вилоятимизда бу йилги "Баркамол авлод – 2011" мусобақаларига бир неча босқичли жараёнда пухта тайёргарлик кўриб борилди. Спортнинг 12 тури бўйича ўтказилган саралаш мусобақаларида 17 минг 850, шу жумладан, 8537 қиз фаол иштирок этди. Ўқув-машғулот йиғинлари январь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб юборилди.

4-6 апрель кунлари спортнинг тўртта тури – баскетбол, волейбол, футбол ва қўл тўпи бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган ҳудудий саралаш босқичида вилоятимиз терма жамоалари аъзолари бўлган 67 ўсмир ва қизлар муваффақиятли иштирок этиб, қўл тўпи бўйича ҳам ўсмирлар, ҳам қизлар, волейбол бўйича ўсмирлар жамоалари Термизда бўладиган финал босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

Зангиота тумани Эшонгузар шаҳарчасидаги "Марҳабо" тўй-хонасида вилоятимиз терма жамоалари аъзолари – 66 спортчи, 13 мураббий, 4 ҳакам ва 6 нафар вилоят ҳокимлиги вакилини "Баркамол авлод – 2011" мусобақаларига тантанали кузатиш маросими ўтказилди. Тадбир давомида қўл тўпи бўйича ўсмирлар ва қизлар, волейбол бўйича ўсмирлар терма жамоалари аъзолари вилоят ҳокимлиги томонидан рағбатлантирилди.

Тантанали маросимдан сўнг спортчи ёшлар пойтахтдаги "Шаҳидлар хотираси" майдонини зиёрат қилиб, шу куни кечқурун Тошкент темир йўл вокзалидан Термизга жўнаб кетишди.

Куни кеча Термиз шаҳрида "Баркамол авлод – 2011" мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Айни пайтда мусобақалар қизғин паллага кирди.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТЛАРДА: машъала Термизга йўл олди; иштирокчиларни кузатиш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Давлатимиз раҳбари илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" давлатчилигимиз тарихида яна бир янги ва ёрқин саҳифани бошлаб берди. Энг муҳими, Концепциядаги ғоялар мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онги ўсиб бораётган, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари жадал ривожланаётган бир даврда илгари сурилди.

Концепция Олий Мажлис Сенати ҳамда маҳаллий вакиллик органлари ҳамкорлигини ҳам янги босқичга кўтариши шубҳасиз. Асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларидан ташкил топган Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этишини инобатга олсак, ўзаро ҳамкорликни янгича қарашлар, талаблар ҳамда вазифалар нуқтаи назаридан такомиллаштириш зарурияти янада ойдинлашади.

Республика Президентининг қонунчиликка оид ташаббусларини мужассамлаштирган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганди. У давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти устидан парламент назорати имкониятини кенгайтириш, сенаторларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда ўз минтақалари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятлари самарадорлигини ошириш, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини фаоллаштиришда муҳим омил бўлади.

Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Олий Мажлис Сенатига республика Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ваколатининг берилиши давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан парламент назорати самарадорлигини оширишга қаратилган. Энг муҳими, бу вазифаларни бажаришда жойлардаги вакиллик органларининг имкониятлари ҳам кенгаяди.

Парламент Конституцияда белгилаб берилган ваколатлари доирасида қонунлар, умумдавлат дастурлари ижроси юзасидан назорат олиб бормоқда, айниқса, мутасадди вазирлик ва давлат органлари раҳбарлари ҳисоботини тинглаш йўлга қўйилгани парламентнинг ҳукумат фаолиятига таъсирини ошираяпти. Бундай тартиб-қоидани жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятига ҳам кенг татбиқ этишнинг аҳамияти беқиёс.

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ушбу йўналишдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва парламентнинг ҳукуматни шакллантиришдаги ваколатларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Конституциянинг 78-моддаси 15-бандига киритилган қўшимчада мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини тинглаш ва муҳокама қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари доирасига киритилди.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

ПОЛВОНИНИ ЭЪЗОЗЛАЙДИГАН ЮРТ

"Полвонлар Миллий энциклопедияси" жамияти ташаббуси билан Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви, Миллий тикланиш демократик партияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда барча яккакураш федерациялари ҳамкорлигида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб, ўзбек фахрий полвонларини хотирлаш, улуғлаш орқали ёш авлод қалбида Ватанга садоқат, спортга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш мавзусида анжуман ўтказилди.

Анжуманда олдинги асрларда яшаб ўтган ва ҳозир ҳаёт бўлган, яккакураш спорт турлари билан шуғулланиб, Олимпия, Осиё ўйинларида, Осиё, Европа, Жаҳон ҳамда мамлакат чемпионатларида, халқаро турнирларда ғолиб ва совриндор бўлган фахрий полвонлар ҳақида маълумотларни тўплаш, чоп этиш, уларни ёш авлодга етказиш муҳим эканлиги таъкидланди. Юртимизда яшаб ўтган таниқли полвонларнинг оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унутилаётган яккакураш фахрийлари номини қайта тиклашда "Устозшогирд" анъаналаридан оқилона фойдаланиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЯНГИ ТЎГАРАК

Чиноз туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабида янги "Таэквандо" тўгараги очилди.

Иқтидорли мураббий Ботир Темиров қўл остида 30 нафар ўқувчи яккакураш сирларини ўрганиш имкониятига эга бўлди.

Шотурсун ХАЛИЛОВ.

САЙЛОВЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот таҳлил маркази ҳамда вилоят "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорликда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий вазифалари ва тамойиллари" мавзусида минтақавий семинарлар ўтказмоқда. Шундай семинарнинг биринчиси Чирчиқ шаҳар Кимёгарлар маданият саройида бўлиб ўтди.

ИШЧИ ГУРУҲ РАИСЛАРИ ЧИРЧИҚДА

Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман кўмаклашувчи комиссиялари раислари, туман, шаҳар "Маҳалла" жамғармаси раислари, Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Паркент, Қибрай ва Зангиота туманлари маҳаллаларида тузилган ишчи гуруҳлар раислари иштирок этишди.

Семинарда раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий вазифаларини кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳ раисларига тушунтириш, уларга амалий ёрдам бериш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳар «Навбаҳор» маҳалласида тузилган ишчи гуруҳ олиб бораётган ишлар доирасида ўзаро тажриба алмашилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар берган кўплаб саволларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловини ўтказиш бўйича вилоят кўмаклашувчи комиссияси томонидан муфассал жавоблар берилди.

Бундай минтақавий семинар Янгийўл шаҳрида ҳам Чиноз, Қуйичирчиқ ва Янгийўл туманида тузилган ишчи гуруҳлари учун ташкил этилди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари тадрижий ривожлантирилмоқда. Улар фаолиятига давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида қаралаётганлиги катта ютуқларга эришиш имконини бермоқда. Шунинг учун Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлаш арафасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига энг муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир сифатида қаралаётганлиги ҳам бежиз эмас. Маҳалла ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлганлиги сабабли унинг роли ва таъсирчанлигини ошириш сайлов жараёнлари билан ҳамоҳангдир.

2008 йил ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган аввалги сайловлар якунлари бўйича 9881 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 85 минг нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланган эди. 2011 йилда 9973 нафар фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва уларнинг 98 мингдан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг 105-моддасига кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, улар таркибидаги ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб, у икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг сайловлар жараёнида ўз сиёсий ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита амалга оширишида янада ёрқин намоён бўлади. Бинобарин, Конституциянинг 32-моддасидан келиб чиқилса, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки ўзини ўзи бошқариш йўли билан амалга оширилиши мустаҳкамланганлиги, бу демократик ва халқчил институтнинг кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим пойдевори сифатида хизмат қилишидан далолат беради.

(Давоми 3-бетда).

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

ПОЙДЕВОРИГА ҒИШТ ҚЎЙИЛДИ

Мустақиллик йилларидаги улкан бунёдкорлик ишлари шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Чиноз туманида ҳам қурилиш соҳасида айтишга арзигулик ишлар қилинмоқда.

Истиқлолимизнинг 20 йиллик байрамига муносиб тўҳфа ҳозирлаш учун астойдил ҳаракат қилаётган 33-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари туман мусиқа ва санъат мактаби биноси пойдеворига дастлабки ғиштни қўйишди.

200 ўринга мўлжалланган 3 қаватли санъат кошонаси ўқув корпуси, катта ва кичик залдан иборат бўлади. Қурилиш учун 2 миллиард 199 миллион сўм маблағ ажратилди.

– Қурилиши бошланган бу иншоотни мустақиллик байрамининг 20 йиллиги арафасида битказиб, санъат мактаби жамоасига топширмоқчимиз, – дейди 33-механизациялашган кўчма колонна масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳмадали Худойберганов. – Шу мақсадда 250 дан зиёд қурувчи астойдил меҳнат қиляпти.

Алишер НОСИРОВ.

СУРАТДА: санъат мактабига биринчи ғишт қўйиш пайти.

Муаллиф олган сурат.

ДАВР ВА ЁШЛАР

БИЗ ЎН ЁШДАМИЗ

2011 йилда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги "Камалак" болалар ташкилоти тузилганига 10 йил тўлади. Вилоятда бу санани юқори савияда нишонлаш мақсадида "Биз 10 ёшдамиз" лойиҳаси доирасида турли тадбирлар, байрам кечалари, фестиваллар ташкил этилмоқда.

"Камалак"дан Янги йил", "Қадрият, урф-одат, анъана ва болалар", "Кўчат экиб, боғ ярат" каби хайрли тадбирлар шулар жумласидандир.

Вилоят "Камалак" болалар ташкилоти ҳар йили ўтказадиган анъанавий анжуманлари, ҳар олти ойдаги раёсат йиғилишларида ташкилот фаолиятини янада кучайтириш, тизимда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинади.

Навбатдаги – VIII раёсат йиғилишида ташкилотнинг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилиниб, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижроси якунлари, вилоят кенгашининг 2011 йилга мўлжалланган иш режаси ҳамда синф сардорлари, умумтаълим мактаб, маҳаллий ва ҳудудий сардорлар кенгашларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Саид АСҚАРОВ.

Бўстонлиқ туманидаги 1-умумтаълим мактабида "Жасур болалар" телеўйини ўтказилди. Унда "Яшил олам", "Баркамол авлод", "Бургутлар" ва "Соғлом авлод" жамоалари ўзаро беллашдилар.

ЖАСУР БОЛАЛАР

Телеўйинда жамоалар сувда чўкаётганларни қайиқда сузиб қутқариш, велосипедда пойга, сув ҳавзасидан осма арқон ёрдамида ўтиш, ўтов ва чайла тикиш, гулхан ёқиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, арқон билан тоғга кўтарилиш ва пастга тушиш каби шартларни бажаришди.

Ўйин якунларига кўра, "Яшил олам" ва "Бургутлар" жамоалари юқори балл тўплаб, биринчи ўринни эгалладилар.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

ҲУКМЛАРДАН ҲИКОЯЛАР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналист Нилуфар Жумаеванинг фош этилган жиноий ишлар ва уларнинг ҳукмлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Қамишгул остидаги тиллалар" номли китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан республика оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ижодкорлар китобда акс эттирилган огоҳлик ва ҳушёрликка ундовчи ҳаёт ҳақиқатлари, синчков журналистнинг касб маҳоратини алоҳида таъкидлашди.

Саида РАҲМОНОВА.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

Бу тартиб қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида ўзига хос муносабат усулини жорий этиш билан бирга, Бош вазир ва у орқали ижроия ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишнинг мамлакатимиз давлатчилик тажрибасига асосланган янги тамойилини яратади. Бош вазирнинг бутун ҳукумат фаолияти учун масъуллиги, яъни марказда ва жойларда ижро органлари фаолиятини бошқариши ва мувофиқлаштириб туришини ҳисобга олсак, маҳаллий кенгашлар умумдавлат дастурларининг ўз ҳудудларида самарали ижро этилиши учун нафақат жойлардаги ҳокимликлар, балки республика миқёсида ҳам эътиборни жалб этишга муваффақ бўлишади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш институтининг жорий этилаётгани мамлакатимизда парламентаризм ривожининг янги босқичи ҳисобланади. Бу қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш принципининг амалдаги таъсирини кенгайтириш тамойилидир. Зеро, парламент ишончсизлик вотуми билдириш институти орқали ҳукуматга нисбатан амалий таъсир тамойилига эга бўлади. Сенат аъзоларининг Бош вазир номзодини ёки Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотумини кўриб чиқиш жараёнидаги иштироки ҳудудий манфаатлар нуқтаи-назаридан уларда ҳукумат фаолиятини баҳолаш имкониятларини оширади, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва Сенат ўртасидаги муносабатларда ҳам янги босқични бошлаб беради.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг жойларда ислоҳотларнинг рўёбга чиқишини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти, ўрни ниҳоятда катта. Шу боис, Президентимиз маҳаллий кенгашлар, айниқса, доимий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш, амалдаги қонунчиликда белгилаб берилган ваколатларидан унумли фойдаланишлари кераклигини алоҳида таъкидлайди.

Маълумки, муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир" номли маърузасида мамлакат парламенти ҳамда жойлардаги вакиллик органлари олдига янги ва муҳим вазифаларни қўйди. Жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очиқ, ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, ўз хизмат жойида зиммасига юкланган мажбуриятларни уддалай олмаётган давлат органлари, хўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларининг раҳбарларини асосли танқид қилиш, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий депутатлик назоратини ўрнатиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини, унда кўзда тутилган – ижтимоий-иқтисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлиги ана шундай муҳим вазифалардандир.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"дан ҳам барчамиз учун устувор аҳамиятга эга бўлган қатор долзарб вазифалар келиб чиқади. Бир сўз билан айтганда, бу Концепцияда белгиланган устувор йўналишлар самарали ижроси жойлардаги депутатлик корпуси фаолиятига ҳам бевосита боғлиқ.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2010 йил 30 декабрдаги Қарори билан янги таҳрирда тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий Регламенти, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низом юқоридаги каби вазифалар ижросини самарали таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий Регламенти эски таҳрирдаги Регламентдан фарқли равишда маҳаллий кенгашлар фаолиятининг, улар олдига қўйилаётган янги вазифаларнинг барча жиҳатларини қамраб олган. Хусусан, янги таҳрирдаги Регламентнинг 3-моддаси қоидаларига биноан халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси халқ депутатлари Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялари, ҳокимликнинг бўлим ва бошқармалари, ҳудуддаги корхона, муассаса, ташкилот ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари таклифлари, шунингдек, ҳудудий вакиллик органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тавсияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Бу ўринда Сенат тавсияларига алоҳида урғу берилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

Регламентнинг 6-моддасида халқ депутатлари Кенгашининг асосий ваколатлари белгилаб берилгани амалиётда юзага келаётган қўплаб камчиликларни бартараф этишга, баҳсли масалаларга ойдинлик киритишга хизмат қилади. Демак, Регламентнинг 6-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Кенгашига бир қатор ваколатлар юклатилган. Жумладан, ҳоким халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг тақдимига биноан маҳаллий бюджетни ва унинг ижро этилиши ҳақидаги ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини, вилоят, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уларни қуриш қоидаларини тасдиқлайди. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг ва қуйи халқ депутатлари Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш, халқ депутатлари Кенгаши раҳбари ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни тинглаш ҳамда халқ депутатлари Кенгаши раҳбарининг тақдимига биноан ҳокимлик тузилмаларини, унинг ходимлари штатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини тасдиқлаш ваколатига эга. Кенгашга эса халқ депутатлари Кенгашининг Регламентини, доимий ва муваққат комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва мувақкат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш, таркибини ўзгартириш, уларнинг иши ҳақидаги ҳисоботларини тинглаш, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда кенгаш депутатларининг ваколатларини эътироф этиш ва муддатидан олдин тугатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш, ижро ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш ҳамда Кенгаш депутатларининг сўровларини кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ваколатлари берилган. Шу билан бирга қонун ҳужжатларига мувофиқ, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаш, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда халқ депутатлари Кенгаши раҳбари қарорларини тасдиқлаш ваколатларига эга.

Халқ депутатлари Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилиш соҳасидаги ўз ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам ҳал қиладилар.

Регламентнинг 22-моддасида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ва энг муҳим муаммоларни муҳокама этиш мақсадида Олий Мажлис Сенати қўмиталари (комиссиялари) ва халқ депутатлари Кенгашининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилгани ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Яъни, бу жиҳат бир томондан, ҳудудларга хос бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда Сенат қўмиталари салоҳиятини жалб қилиш имконини берса, иккинчи томондан, маҳаллий кенгашлар нуфузи ва таъсирини оширишнинг энг муҳим омилларидан бўлади.

Фикримизча, Сенат ва унинг қўмиталари билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамкорлигини янада самарали ташкил этиш учун айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Аввало, Сенат ва унинг қўмиталари билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ҳамкорлигини ташкил этишда ташаббус кўпроқ жойлардаги вакиллик органларидан, уларнинг депутатларидан чиқиши керак.

Иккинчидан, Сенат қўмиталари ўз назорат ваколатларини амалга ошириш жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини махсус тузилган ишчи гуруҳларга фаол жалб этади. Шу жараёнда ҳар бир депутатдан алоҳида масъулият талаб этилади. Улар берилган имкониятдан фойдаланиб, у ёки бу қонун, давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан жойларда юзага келаётган муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш йўлларини аниқлашда фаол бўлишлари лозим, деган фикрдамиз.

Учинчидан, депутатлар ўзлари сайланган ҳудудлардан Сенатга тушаётган мурожаатларни Сенатнинг тегишли қўмиталари билан биргаликда таҳлил қилиб, уларда кўтарилаётган масалаларни ҳал қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур ишларни олиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган Концепция ва унинг асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари эса Сенат ва ҳудудий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Дамир СИДИҚОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида биз енгиб ўтишга тўғри келган муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти ўтган 20 йил давомида қарийб 3,5 баравар ўсди, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баравар, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшга етди. Тараққиётнинг "ўзбек модели" деб аталмиш стратегия дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, чуқур ўрганилди. Президентимиз илгари сурган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси тараққиёт йўлимиздаги янги босқични бошлаб берди.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ ЖАҲОН ЭЪТИРОФИДА

Унинг жамиятимизни ислоҳ этишдаги муҳим аҳамияти йирик халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилаётгани қувонарли ҳол.

Шу йил 22-23 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция танлаган йўлимиз тўғрилигининг яна бир эътирофи бўлди. Унда нуфузли халқаро экспертларнинг Президентимиз илгари сурган Концепция ҳақида билдирган холис илмий фикрлари билан танишиб, шу юртда яшаётганимдан фахрланиб кетдим. Энг қизиғи, меҳмонлар Концепциянинг чуқур илмий-амалий аҳамиятини эътироф этиш билан бирга, ундан ўрганишга, тажриба алмашишга муваффақ бўлишганини билдиришди. Зеро, дунёнинг қудратли давлатлари демократик ривожланиш борасида узоқ йилларда эришган ютуқларни биз нисбатан қисқа давр ичида амалга оширдик. Бунга, энг аввало, Юртбошимизнинг узоқни кўзлаган оқилона сиёсати, қолаверса, халқимизнинг бунёдкорлиги туфайли муваффақ бўлинди.

Халқаро анжуманни кузата туриб, депутат сифатида бир масала мени ўйлантириб қўйди. Сир эмас, қонунчилик ҳокимияти ҳамда маҳаллий кенгашлар жамиятдаги ислоҳотлар жараёнида олдинги қаторларда туриш, ҳатто қонунлар ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатиш масъулиятига эга. Лекин Юртбошимиз илгари сурган, жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган Концепция бу масъулиятни янада оширади. Халқ фаровонлиги ва юрт тараққиёти учун барча куч ва имкониятларни ишга солиб, фаолиятимиз самарадорлигини ошириш мажбуриятини юклайди. Агар Концепцияда кўрсатилган таклифларни ҳаётга тўла татбиқ этишга бир тану бир жон бўлиб хизмат қилсак, қисқа муддат ичида дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилишимиз тайин. Ҳар ҳолда 20 йил ичида кўрсатган салоҳиятимиз шундай дейишга имкон беради.

Гавҳар БОЙМАТОВА,
халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати,
Бекобод тумани Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

БАНКДА ТАДБИРКОР ХОНАСИ

"Ипотека банк"нинг Ангрен шаҳар филиалида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан тадбиркорлик хонаси ташкил этилди.

Бу ерда тадбиркорлар учун барча қулайликлар мавжуд. Жумладан, турли хил роликлар, дунёвий маълумотлар олиш учун интернет тармоғига уланган компьютерлар хизматда бўлади. Тадбиркорлик субъектлари учун зарур бўлган маълумотлар, давлатимизнинг соҳага тегишли қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлари, кредитлашга оид йўриқнома ҳамда зарур маслаҳатлар бериш мақсадида малакали мутахассис ажратилган.

Ўз мухбиримиз.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

АГРОБИОХИЛМАХИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ЛОЙИҲА

Ўзбекистон миллий матбуот марказида Bioversite International/ЮНЕП-ГЕФ "Марказий Осиёда агробиохилмахилликнинг (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аждодлари) in situ/on farm шароитида сақлаш ва ундан фойдаланиш" лойиҳаси доирасида матбуот анжумани ўтказилди.

Лойиҳани амалга ошириш миллий бўлими Халқаро ўрмон йилига бағишлаб ташкил этган анжуманда иштирокчиларга лойиҳанинг асосий мақсади ва унинг доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг моҳияти тушунтириб берилди.

Сўнгги йилларда инсониятнинг табиат ва ёввойи ўсимликлар дунёсига беписанд муносабати ва ортиқча аралашиши салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, чорвачиликнинг ривожланиши ўтўлан, мевали дарахт ва буталар ҳамда табиий ўсиб, кўпайиб борадиган ўсимликларнинг пайҳон бўлишига олиб келаётган бўлса, юз бераётган техноген таъсирлар оқибатида бир қатор маданий ўсимлик ва мевали дарахтларнинг ёввойи аждодлари ўсадиган майдонлар қисқармоқда. Шунинг учун ҳозирги шароитда буларнинг олдини олиш энг зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Лойиҳа Марказий Осиё минтақаси, яъни Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари ҳудудларида амалга оширилиб, БМТнинг атроф-муҳитни муҳофазалаш дастури (UNEP) кўмагида Глобал Экология Фонди (GEF) орқали молиялаштирилади ва Bioversity International томонидан мувофиқлаштирилади. Лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институти ҳамда соҳага тааллуқли қатор илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Матбуот анжуманида республикамиз доирасида ташкил этилган экспедициялар давомида Ўзбекистонда 262 турдаги маҳаллий мевали дарахт навлари, хусусан, олма, ўрик, ёнғоқ, узум, анор, бодом, хандон пистанинг энг серҳосил ва ноёб навлари борлиги аниқлангани таъкидланди. Келгусида, уларни нафақат асрабавайлаш, балки, янада кўпайтириш чораларини кўриш керак. Шу мақсадда лойиҳа муаллифлари мамлакатимиздаги мавжуд маҳаллий навларни сақлаш бўйича илмий тадқиқот ва амалий тажрибаларни мувофиқлаштириш ҳамда кенгайтириш мақсадида махсус ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этишни таклиф қилишмоқда. Айни вақтда лойиҳа доирасида жойларда фермерлар ва маҳаллий аҳоли учун ўқув-семинарлар уюштириш, уларга биохилмахиллик тўғрисида тушунча бериш ва ўзларига қарашли боғларда аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган дарахт навларини экиб, кўпайтиришларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги ҳам айтилди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Ҳар йили вилоятимизда бепарволик, масъулиятсизлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик натижасида юз бераётган ёнғинлар туфайли катта моддий ва маънавий зарар кўрилмоқда.

Ўтган 3 ойда 413 та ёнғин чиқиб, оқибатда 8 киши ҳалок бўлди, 14 киши турли тан жароҳати олди. Ёнғинларнинг 337 таси фуқароларнинг турар-жойларида содир бўлди. Айниқса, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Зангиота ва Янгийўл туманларидаги ёнғинлар аянчли оқибатларга олиб келди, инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, ёнғин чиқишининг асосий сабаблари печь ва газ ускуналарининг носозлиги ҳамда улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ва ёш болаларнинг олов ўйнаши билан боғлиқ.

Зангиота туманида яшовчи А. Қосимов уйида электр симлари қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлиб, хонадон эгалари катта зарар кўрди.

Чиноз туманида яшовчи Р. Фозиловнинг уйида болаларнинг олов ўйнаши оқибатида ёнғин чиқиб, уй томи, шифти ва жиҳозлари ёниб кетди. Бундай мисоллар, афсуски, жуда кўп.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ёнғиннинг олдини олиш, одамлар ҳалок бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўришмоқда. Саноат корхоналарида, билим юртлари, мактаб, боғча ва аҳоли турар-жойларида ёнғин офатининг олдини олиш учун текширувлар ўтказилмоқда, фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар уюштирилиб, оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, энг аввало, инсон ҳаётини ёнғиндан асраш барчанинг зиммасидаги масъулият. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этиб, зарур чора-тадбирларни ўз вақтида кўриш, давлат ёнғин назорати аниқлаган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозим.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлиш, хавфсизлик қонун-қоидаларига амал қилиш зарур.

Музаффар МИРСОАТОВ,
вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда 2004 йилда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2003-2008 йилларда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида яраштирув комиссиялари, "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмалари ташкил этилишини, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимининг жорий этилишини, аҳоли томонидан уй-жой-коммунал хизматлар ҳақи батамом тўланишини таъминлаганлик учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маблағ ажратиш тартибини ва бошқа чораларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда бошқа чора-тадбирлар жойларда долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда маҳалланинг роли ва аҳамияти янада ўсишини, унинг кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам бериш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун фойдаланаётган моддий-техник базаси мустаҳкамланиши ва бошқа вазифалар ҳал қилинишини таъминлади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу вазифани ҳал қилишда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонунга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади".

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг энг муҳим хусусиятларидан бири раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари маҳаллада доимий иқтисоматқилувчи шахслар орасидан сайланишида ҳам ифодаланади. Бу ҳол раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари демократик талаблар асосида сайланишида кўринади. Яъни, сайловнинг эркин ва ихтиёрийликка асослангани нафақат умуминсоний тамойилларга, балки миллий қадриятларга ҳам тўла мос келади. Яна бир алоҳида хусусиятга кўра, раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилади. Бошқача айтганда, махсус сайлов округларини ташкил этиш талаб этилмайди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фақат бир муддатга эмас, балки бир неча муддатга ҳам сайланиши мумкин. Бу фуқароларнинг кимни раис (оқсоқол) сифатида танлаб олишни ўзлари ҳал этишларига боғликдир.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши унга қўйилган муҳим талаб, қолаверса, уни сайлашнинг энг муҳим мезони ҳисобланади. Сайлов ўзини ўзи бошқаришнинг демократик шакл ва усулларини янада такомиллаштиради.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари – бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамиятини қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади. Хулоса қилиб айтганда, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларининг роли тобора ортиб бораётган шароитда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда қонун ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этилиши ва ўтказилиши улар зиммасига юклатилган аниқ йўналтирилган вазифаларни ҳал қилиш имкониятини яратади.

Ш. РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЗАЛВОРЛИ МАСЪУЛИЯТ

Май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш учун жойларда қонунчиликда кўзда тутилган барча талаблар асосида тегишли шароитлар муҳайё этилмоқда.

Ўртачирчиқ тумани, Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда унинг таркибидаги «Тошлоқ», «Қўймуйин», Йўлбарисов, «Ўртасарой» маҳалла фуқаролар йиғинларида бешта ишчи гуруҳ тузилди.

– Ишчи гуруҳларимизда умумий ҳисобда 27 аъзо бўлиб, улар сайловнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари билан шуғулланмоқда, – дейди «Ўртасарой» маҳалласи ишчи гуруҳи раҳбари Мелибой Омонқулов. – Номзодлар орасидан энг муносиблари сайланишига эришиш кўп жиҳатдан сайловлар холис ва қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилишига боғлиқ. Шу боис ҳозирданоқ нафақат ишчи гуруҳ ва комиссия аъзолари, балки сайловчилар орасида ҳам мунтазам тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Ўртасарой қишлоқ фуқаролар йиғинига тегишли ҳудудда 9468 аҳоли бўлиб, 5517 нафари сайлов ёшида. Бу ишчи гуруҳ ва комиссия аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

СУРАТДА: «Ўртасарой» маҳалла ишчи гуруҳи раҳбари Мелибой Омонқулов (ўртада) гуруҳ аъзолари билан навбатдаги вазифаларни муҳокама қилмоқда.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан 28.10.2010 йилдаги 1-6105/10-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Э. Одилхўжаева 3-тор кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 75,28 кв.м. ва яшаш майдони 55,43 кв.м. бўлган 6-уй-жой биноси (ҳовли) қўйилмоқда, бош.нархи – 130 000 000 сўм. Сирғали тумани СИБ томонидан 25.02.2011 йилдаги 6002/6-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Сирғали тумани ЖИБ биноси судида сақланаётган 1977 йилда и/ч., дав.бел. 01 R 935 BA бўлган "Ваз2103" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 1 380 497 сўм. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.10.2010 йилдаги № 11-876-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, Бекобод деҳқон бозори ҳудудида жойлашган умумий майдони 110,53 кв.м. бўлган тижорат дўкони биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 16 893 000 сўм. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 19.08.2010 йилдаги № 1-7144/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Газалкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 70,30 кв.м. бўлган 6-уй (ҳовли) биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 40 232 000 сўм. Янгийўл тумани СИБ томонидан 12.07.2010 йилдаги № 6219-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ниёзбош қ.ф.й манзилида жойлашган, умумий майдони 800 кв.м. бўлган бостирма ва иссиқхонадан иборат бўлган бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бошланғич нархи – 32 000 000 сўм. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 14.12.2010 йилдаги № 306/5-сон ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, 4-кичик ноҳия манзилида жойлашган, умумий қурилган майдони 564 кв.м. бўлган ошхона биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 31 250 000 сўм.

№	Туман ижро бўлими	Модели	И/ч. йили	Д./р.	Бош. нархи	Сақланаёт. манзили	Ижро варақ. ва санаси.
1	Чирчиқ шаҳар СИБ	Нексия	2005	10 R 175 AA	11 781 683	Чирчиқ шаҳар ИИБ жарима майдончаси	23.11.2010 й. №1-325/10
2		Опел Вектра	1992	10 D 275 BA	9 189 540		07.02.2010 й. №1497
1	Ангрен шаҳар СИБ	Камаз 5320	1983	11 A 6717	26 222 062	Ангрен шаҳар ИИБ Бўстон жарима майдончаси	26.10.2010 й. №1049/10
1	Қибрай тумани СИБ	ММЗ 8136	1992	11 B 074	55 982	УК Арғин Савдо	08.02.2011 й. № 901
1	Ўртачирчиқ тумани СИБ	Ваз-2102	1973	10 E 139 AA	1 495 294	Тўйтепа шаҳри СИБ	10.08.2010 й. № 1-344
1	Бекобод шаҳар СИБ	Нексия	2008	10 P 749 CA	14 992 656	Тошкент вилояти МХХ ҳовлиси	02.02.2011 й. № 658
2		Дамас	1997	10 A 456 CA	2 786 206	МЧЖ "Бекобод савдо" омбори	28.03.2011 й. № 2363
3		Тико	2001	11 827 EAA	3 129 239		15.02.2010 й. № 731
4		Зил ММЗ-45021	1981	11 AQ 702	4 190 734		15.02.2010 й. № 731
5		Камаз	1989	11 M 150 AA	22 258 439		01.02.2011 й. № 361
6		ГБА 5312-СПГ	1986	11 A 7220	2 031 678		09.03.2011 й. № 2142
7		Камаз-5511	1986	11 M 9500	6 339 594		09.03.2011 й. № 2142

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 2 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 23 июнь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 19 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан 20.09.2009 йил, 20.12.2009 йил, 22.01.2010 йилдаги ижро ҳужжатларига асосан Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Бордонкўл қ.ф.й., Бирлик кўчасида жойлашган умумий ер майдони 16643,61 кв.м. ва қурилиш майдони 5167,06 кв.м.дан иборат бўлган ўқув-машқ маркази ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлари қўйилмоқда, бошланғич нархи – 608 308 918 сўм. Янгийўл тумани СИБ томонидан Ўткир жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 18.12.2010 йилдаги № 11692/1-сон ижро ҳужжатига асосан, 2004 йилда и/ч., дав.бел. 11 K 0222 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 12 359 628 сўм. 2. 18.12.2010 йилдаги № 11694/1-сон ижро ҳужжатига асосан, 1986 йилда и/ч., дав.бел. 10 G 354 AA бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 23 578 200 сўм. 3. 18.12.2010 йилдаги № 11694/1-сон ижро ҳужжатига асосан, 1980 йилда и/ч., дав.бел. 11 E 7924 бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 21 733 200 сўм.

Аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан Бўстонлиқ тумани, Исфара ЙПХ маскани жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 10.02.2010 йилдаги №5-54-сон ижро ҳужжат. асосан, 1991 йилда и/чиқ., дав.бел. X 644 VNM бўлган "Опел Вектра" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 6 422 284 сўм 2. 09.09.2009 йилдаги ижро варақасига асосан, 1995 йилда и/чиқ., дав.бел. A 546 PT 90 бўлган "Ваз 21083" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 177 230 сўм. 3. Жиноят ишлари буйича Бўстонлиқ тумани суди биносида сақланаётган 08.06.2009 йилдаги №1718-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав. бел. X 530 AFN бўлган "Опел Вектра" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 399 232 сўм. 4. Бўстонлиқ тумани МТП гаражи биносида сақланаётган 24.03.2009 йилдаги №11-0907/915-сон ижро варақ. асосан, 1999 йилда и/чиқ., дав.бел. 4801 EP бўлган "Магнум 8940" русумли трактор воситаси, бош. нархи – 39 000 000 сум. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 19.04.2010 йилдаги № 2-037-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Қоронкўл қишлоғининг юқори қисмида жойлашган, умумий ер майдони 1533 кв.м., қурилиш май. 123 кв., ҳовли 50 кв.м., боғ 1360 кв.м. бўлган дала ҳовли мажмуа ҳолда қўйилмоқда, бош. нархи – 19 885 931 сўм. Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган 21.01.2008 йилдаги №2086-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 Y 3939 бўлган "Мерседес Бенс 200" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 21 870 000 сўм.

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 24.11.2010 йилдаги № 14905/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1992 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Q 2733 бўлган "Ваз 21099" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 142 000 сўм. 2. 11.01.2011 йилдаги № 16024/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1986 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 I 74-58 бўлган "ЗАЗ 968" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 305 000 сўм. 3. 11.01.2011 йилдаги № 84/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 2000 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 M 3127 бўлган "Тико" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 650 000 сўм. 4. 11.01.2011 йилдаги № 87/21-сон ижро ҳужжат. асосан, 1992 йилда и/чиқ., дав.бел. E4740И90 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 40 000 000 сўм.

Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази ашёлар сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 14.09.2009 йилдаги № 1-674 сон ижро варақ. асосан, 1963 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. 11 K 2070 бўлган "М21УС" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 3 146 060 сўм. 2. 23.07.2009 йилдаги №1-332 сон ижро варақ. асосан, ишлаб чиқ. номаълум, дав. бел. 10 A 0572 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич нархи – 7 466 731 сўм. 3. 16.02.2010 йилдаги № 1-45-сон ижро варақ. асосан, 1987 йилда и/ч., дав.бел. 30 I 1541 бўлган "Москвич-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 399 382 сўм. 4.02.06.2010 йилдаги ижро варақ. асосан, 1973 йилда и/ч., дав.бел. 01 P 492 AA бўлган "Газ-2101" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 892 108 сўм. 5. 22.10.2009 йилдаги ижро варақ. асосан, 1984 йилда и/ч., дав.бел. 30 D 1949 бўлган "Газ-2401" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 364 972 сўм. 6. 22.10.2009 йилдаги ижро варақ. асосан, 1973 йилда и/ч., дав.бел. 11 O 1196 бўлган "Газ-2401" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 324419 сўм. 7. 22.10.2009 йилдаги ижро варақ. асосан, 1973 йилда и/ч., дав. бел. 11 R 1033 бўлган "Газ-2401" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 324419 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан 25.01.2010 йилдаги № 3072/9-сон ижро ҳужжат. асосан, "Экслюзив прим савдо" омборхонасида сақланаётган, 1990 йилда и/ч., дав. бел. 11 W 2537 бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 9 050 000 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан 07.10.2010 йилдаги 1-2470/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Биг Виконд Кинг корхонасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 10 BE 133 бўлган "Ваз2107-12021" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 11 000 000 сўм. Учтепа тумани СИБ томонидан 21.12.2010 йилдаги 1-5443/10-сон ижро ҳужжатига асосан, Шаркли Мелиса жарима майдончасида сақланаётган 1998 йилда и/ч., дав.бел. 30 G 45 59 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранс. воситаси қўйилмоқда, бош.нархи – 22 825 890 сўм. Олмазор тумани СИБ томонидан 04.03.2010 йилдаги 2-036-10-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳасида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 57,55 кв.м. ва яшаш хонаси 57,55 кв.м.дан иборат бўлган 59-уй, 16 уй-жой қўйилмоқда, бош. нархи – 56 104 542 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБ-нинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 № 000003.

XXI аср ва ДУНЁ

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ ТУРМАГА ТАШЛАНДИ

Коста-Рика суди мамлакатнинг собиқ президенти Мигел Анхел Родригесни беш йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Associated Press шу ҳақда тарқатган хабарда айтилишича, у порахўрликда айбланган.

Ҳукмда тасдиқланганига қараганда, Родригес президент лавозимида бўлганида Франциянинг Alcatel телекоммуникация компаниясидан 800 минг доллар олган. Шу пора эвазига компания ҳукумат билан 149 миллион долларлик шартнома тузишга эришган.

AFP агентлигининг хабарига кўра, қораловчи собиқ президентни етти йил муддатга қамашни сўраган, аммо суд жазони енгиллаштирган. Шунингдек, ҳукмга мувофиқ 69 ёшли Родригес 12 йилгача жамоатчилик постларини эгаллай олмайди.

Мигел Родригес Коста-Рика президенти лавозимида 1998-2002 йилларда фаолият юритган. 2004 йилда эса, Америка давлатлари ташкилотига бош котиб бўлди. Бироқ, бир ой ўтгач, коррупцияга оид жанжал сабабли бу лавозимдан кетишга мажбур бўлган.

Alcatel компанияси ҳам терговдан четда қолмади. 2010 йилга келиб компания раҳбарлари қонунга хилоф хатти-ҳаракатлардан 48 миллион доллар фойда кўрилганини тан олдилар. Суддан ташқари тартибга келтириш доирасида 137 миллион доллар жарима тўланди.

АВИАДИСПЕТЧЕРНИНГ ҚОТИЛИ ҚИДИРИЛЯПТИ

Франция ва Швейцария чегарасидаги Базель-Мюлуз-Фрайбург аэропортида авиадиспетчернинг жасади топилди. AFP агентлиги шу ҳақда хабар тарқатди.

Полициячиларнинг гапига қараганда, жасад аэропорт назорат минорасининг ўнинчи қаватидаги диспетчер хонасига туташ офисдан топилган. Қотил диспетчерни уч марта пичоқлаб ўлдирган.

Қотиллик ёпиқ зонада юз берган бўлиб, бу ерга фақат рухсатнома билан кириш мумкин. Прокуратура жиноят тафсилотларини ўрганишга киришди.

Аэропорт маъмурияти вакили диспетчер 34 ёшда эканлигини маълум қилди. Аммо унинг исм-шарифи айтилмаяпти.

Базель-Мюлуз-Фрайбург аэропорти Франция ҳудудида, Швейцария ва Германия чегарасидан бир неча километр масофада жойлашган бўлиб, Франция ва Швейцария билан биргаликда бошқарилади. Аэропорт хизматидан ҳар куни 4 миллиондан зиёд киши фойдаланади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

■ НИГОҲ

БИР ҚАДАМ ОЛҒА, ЎН ҚАДАМ ОРТГА

Тожикистон ҳукумати президент раҳбарлигида Сўғд вилоятида вужудга келган мураккаб вазиятда ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш учун мумкин бўлган барча чора-амалларни кўраётгандек, гўё. Бу уринишлар охир-оқибатда самара бермаяпти ва минтақа аҳолиси учун сезиларли ўзгаришлар бўлмаяпти.

Агар мамлакат раҳбарларининг бу масалада тартибни таъминлашга қаратилган қадамлари таҳлил қилинадиган бўлса, Имомали Раҳмон бир қатор сабаблар туфайли ўз мақсадига эришолмаяпти. Ана шу сабаблардан бири Сўғд минтақаси маъмурияти коррупция ботқоғига ботганлиги ва, шунингдек, муҳим муаммоларни ҳал этишнинг таъсирчан тизими йўқлигидир.

Масалан, Сўғд вилоятидаги турли-туман динийэкстремистик гуруҳ ва оқимларга қарши кураш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилган "топшириқ"ни олиб кўрайлик. Милициянинг бор асосий кучлари рўйхатга олинмаган масжид ҳамда ноқонуний мадраса ва "ҳужра"ларга ташланди. Лекин мамлакат раҳбарлари ўн йилдан бери эътибордан четда қолдириб келаётган Сўғд вилояти бугунги кунда нафақат бўлар-бўлмас "ваҳҳобийчилар", "нурчилар", "таблиғчилар" ва бошқалардан қолган уя, балки бутун тожикистонлик ва баъзан халқаро жиноятчилар тўпланадиган жойга айланган. Давлат асосий эътиборни айнан экстремизмга қарши курашга қаратаётгани маълум бўлганидан сўнг жиноятчилик мамлакатда қанот-қуйруғини кенг ёйди.

Маҳаллий амалдорларнинг коррупцияга "белашганлари" ҳам бунга изн берди. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилишдек ноҳўя усулидан келадиган мўмай фойдадан жуда-жуда манфаатдорлар. Бу соҳада Сўғд вилоятидаги наркобаронлардан бири бўлган Баҳриддин Рискулов ва унинг фаолияти, айниқса, кўзга кўринарлидир. Ҳамтоқлари "Батон" деб аталган қўйишган Матчо туманилик бу "ишбилармон" героин моддасини мамлакатимиздан Қирғизистон ва Қозоғистон орқали Россияга ўтказишнинг мустаҳкам каналини ташкил этганига анча бўлди. "Батон" ўзининг махфий бизнесини бу қадар кенг йўлга қўйиб олганлигининг сабаби тушунарли. Имомали Раҳмоннинг ўғли Рустамнинг шахсан ўзи уни қўллаб-қувватлаб туради ва "паноҳ"лиқ қилади.

Бор маълумотларга қараганда, Рискулов ва унинг тўдаси аъзолари устидан қўзғатилган бир нечта жиноий ишлар айнан Рустам Имомали ташаббуси билан "йўқ" қилинган. Наркобаронлар доирасида Қирғизистон чегарасигача бўлган "оқ йўл"ни айнан президентнинг зурриёди очиб берганини ҳавас билан гапириб юришади. Ва бу узун-қисқа гаплар амалда ҳам тўғри бўлиб чиқди. Айтайлик, ушбу йўналиш орқали Россияга жўнатиладиган энг катта партиядаги героинни Тожикистон-Қирғизистон чегарасигача Сўғд вилояти прокурори Юсуф Раҳмоновнинг шахсан ўзи кузатиб бориши ҳаммага маълум. Табиийки, липлип чироқли машинада бундай кузатув хизмати текинга бўлмайди.

Далиллар ҳар қандай вазиятда ҳам далиллигича қолаверади, уларни инкор этиб бўлмайди. Халқаро қўламдаги наркотрафика ва героин савдосига Тожикистоннинг нафақат юқори мансабли амалдорлари аралашган, балки улар жойлардаги майда "князча"ларни ҳам бу қора ишга аралаштирганлар. Ваҳоланки, мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни айнан шу майда амалдорлар таъминлашлари керак.

Агар жилови бироз бўш қўйилган амалдорларнинг ҳолат-руҳияти кузатилса, англаб етиш мумкинки, Юсуф Раҳмоновга ўхшаганлар биргина гиёҳфуруш билан ҳамкорлик қилишга қаноатланмайдилар. Бундай "прокурор"лар одатда "агар битта устомон билан шу тақлид иш кўриш мумкин бўлса, нега бошқалари билан ҳам ҳамкорлик қилмаслик керак" тамойилига амал қиладилар. Ишончимиз комилки, бу ишларга президентимизнинг қариндош-уруғлари ҳам аралашган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Демак, битта қўл нимадир берса-ю, бошқа ўнлаб қўллар ҳаммасини йўқ қилиб турса, чиқарилаётган қарор-у, кўрилаётган чора-тадбирлар самараси ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Хумдин ХИСМЕТОВ.
www.tajmigrant.com

Қуйичирчиқ туманидаги 18-умум ўрта таълим мактаби томонидан 2003 йил 19 июнда Шерматов Шакир Закирович номига берилган O'R-A № 1442368 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "MEGA-SERVICE GROUP", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Учтепинский р-н, Чиланзар 12-квартал, д. 64, кв. 61 (ИНН 301840480, ОКПО 23489802) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 3 от 28.04.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления по тел.: 273-40-60.

ЧП "PARDOZ-VACUUM SERVICE" Чиланзарского района (ИНН 301952136) сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "PARDOZ-VACUUM SERVICE" с переходом всех прав и обязательств ЧП "PARDOZ-VACUUM SERVICE" к ООО "PARDOZ-VACUUM SERVICE". Тел.: 127-08-58.

Частная фирма "БОТИ РАШИДХОН" Чиланзарского района (ИНН 200800289) сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "БОТИ РАШИДХОН" с переход всех прав и обязательств ЧФ "БОТИ РАШИДХОН" к ООО "БОТИ РАШИДХОН". Тел.: (+99893) 379-23-57.

Тошкент шаҳри Чилонзор туман ҳокимияти томонидан 2010 йилда № 0806540 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Расулева Дилафруз Сухбатуллаевна номига берилган № 08-05297 рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЗАНГИОТА, ЯНГИЙЎЛ ТУМАНЛАРИДА ЯШОВЧИ АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти Молия бошқармасининг 2011 йил 15 мартдаги № ТВ-08-11-3-2011/1-сонли реестрига асосан (қўшимча қиймат солиғисиз) ичимлик ва оқава сувига бўлган нархлар 01.04.2011 йилдан қуйидагича белгиланади:

ИЧИМЛИК СУВИГА 1 М³
Аҳоли учун – 107 сўм
Бюджет ташкилотларига – 417 сўм
Корхона, ташкилот ва муассасаларга – 600 сўм

ОҚАВА СУВИГА 1 М³
Аҳоли учун – 78 сўм
Бюджет ташкилотларига – 171 сўм
Корхона, ташкилот ва муассасаларга – 414 сўм

ВУ-1 туманлараро "Сувоқава" ИЧШК раҳбарияти.

КЎРГАЗМА

Тошкент Фотосуратлар уйида фотосанъат мактаби битирувчиларининг 70 га яқин ижодий фото ишлари қўйилган кўргазма очилди.

ГЎЗАЛЛИККА ИНТИЛИБ...

Ёш фоторассом Наталья Журавлёва, Динара Ерзина, Шавкат Тоиров ва бошқаларнинг фотосуратларида шаҳар кўринишлари, инсон умрининг бошланғич (чақалоқлик) даврлари, беғубор болалик, йил фасллари ва куннинг турли дақиқалари, ижтимоий ҳаётимизнинг ранг-баранг қирралари, табиат олами ва унинг ҳаракати, турли вазиятдаги инсон портретлари, ҳаётимиз динамикаси тасвирланган. Асли қишлоқда туғилиб ўсган, ҳозир пойтахтимизда ҳам ўқиб, ҳам ишлаётган Назира Бойназарова фототасвирларида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Бурчмулла, Оққўрғон туманлари гўзал табиати, юртимиздаги меъморий ёдгорликлар акс этган.

Фотосанъат мактаби битирувчиси, Тошкент шаҳридаги 91-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Олимхонов қалбига яқин бўлган борлиқ, табиат ва унинг гўзалликлари, йил фасллари акс этган "Уйқудаги дарахтлар", "Сакраш", "Туманли тонг", "Акс", "Шафақ" каби ишлари билан қатнашди.

Кўргазмада битирувчиларга фотография санъати мактаб-студиясини тугаллаганлиги ҳақида сертификатлар топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

КЎЗ ОЧАЁТГАН БУЛОҚЛАР

ТУЙҒУЛАРИ ТИНИҚ ҚИЗ

Оққўрғон туманида камол топаётган Шаҳноза Ражабова – шеъриятнинг сеҳрли дунёсига ўз орзулари, ўз ҳайратлари билан кириб келаётган, адабиёт аталмиш чаманзордан хуш ният ила ўз йўлларини ахтараётган ёш қаламкаш. Айни вақтда тумандаги агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг бошланғич таълим йўналишида таҳсил олаётган истеъдодли қиз Шаҳнозабонуни кўкларга кўтаришдан йироқман. Аммо, унда қалам соҳибаси учун зарур бўлган нозик туйғу, дидни ҳис қилдим. Лекин, Шаҳноза Ражабова қандай машаққатли йўлга чиққанини ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Ўқийди, ўрганади, изланади. Зеро, истеъдод меҳнат билан юз очади. Йўлга чиққан одамга оқ йўл тилаш эса ота-боболаримизга хос қадриятларимиз тимсолидир. Мен Шаҳнозани ҳамиша тиниқ туйғулар чорлаб туришига тилакдошман.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

ЮРТИМ БАЙРОҒИ

Хилпирайди юртим байроғи,
Турфа ранглар остида мағрур.
Зангори ранг мусаффолиги
Осмонимиз тиниқлигидир.

Қизил чизиқ маъноси эса,
Томирларда оқаётган қон.
Бу дегани юртим деб яша,
Вужудингда улғайсин виждон.

Оқ ранг эса кўнгил поклиги,
Адолатдан беради дарак.
Не бўлса ҳам ҳақиқатгўйлик
Ва ростгўйлик бизларга керак.

Яшил ранг бу жонли табиат,
Яшилликка бурканган дунё.
Ўзбек халқи қайда бўлмасин
Тошида ҳам гул унар, ҳатто.

Бир бирига бағишлаб жило,
Эзгуликни англатар ранглар.
Садоқатдан сўйлайди, ҳатто,
Оқилликка ўргатар улар.

Манглайида порлаб турган ой
Ёруғ кунлар йўлида чироқ.
Кундан-кунга юрт очар чирой,
Олқиш сенга, муқаддас байроқ.

ВАТАН

Кимки Ватан қадрини билмас,
Демак элга, халққа ёр бўлмас.
Сени фақат тилимда эмас,
Куйлай жону дилимда, Ватан.

Фахрланиб босган изимга,
Номинг ўйиб ёзай кўксимга,
Шукр қилиб кўрган кунимга,
Яшай сенинг бағрингда, Ватан.

Темур бобом руҳи бўлсин ёр,
Навоийни васф этгум минг бор,
Тавоф этсам улуғинг бисёр,
Асрай сени кафтимда, Ватан.

Менинг учун отамсан гўё,
Онамдурсан меҳри бир дарё,
Акам бўлгин, синглим бўлгин ё,
Оқай сенинг нахрингда, Ватан.

Кимки Ватан қадрини билмас,
Демак элга, халққа ёр бўлмас.
Сени фақат тилимда эмас,
Куйлай жону дилимда, Ватан.

ЖАҲОНҒА ИНТИЛ

Эй дўстим, бизники бу давру даврон,
Ўтган ҳар бир лаҳза омонатдир бил.
Бугун эшик очди бизларга замон,
Ўқи, ўрган, излан, жаҳонга интил.

Шундай бир инсон бўл қилсинлар ҳавас,
Олим бўл, дунёни қайтадан кашф қил.
Порлоқ келажакка назар сол бир пас,
Ўқи, ўрган, излан, жаҳонга интил.

Миллатинг шаънини қалбингда сақла,
Ватан ишқи билан тўла бўлсин дил.
Шу юртнинг нонини, тузини оқла,
Ўқи, ўрган, излан, жаҳонга интил.

ЁШИНИДАН СЕНИНГ

Ватаним, бағрингда улғайдим мен ҳам,
Тотиб катта бўлдим ошингдан сенинг.
Эрк сенга кулганда кулайин мен ҳам,
Айланай йигирма ёшингдан сенинг.

Халқимнинг меҳридан эрийди музлар,
Гул униб чиқади тошингдан сенинг.
Қучоғинг тўлдирсин ҳур ўғил-қизлар,
Айланай йигирма ёшингдан сенинг.

Бу кунни оллоҳдан сўрадим сенга,
Истиқлол кетмасин қошингдан сенинг.
Боқий фаровонлик тиладим сенга,
Айланай йигирма ёшингдан сенинг.

Истиқлол бахтини қучган миллатим,
Меҳримни сочайин бошингдан сенинг.
Қўлини дуога очган миллатим,
Айланай йигирма ёшингдан сенинг.

Шаҳноза РАЖАБОВА.

ШОҲСУПАДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Янгийўл технология-иқтисодиёт коллежи спорт мажмуасида "SHOHABBOS" каратэ клуби ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишлаб катта спорт тадбири ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси, Японияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Шотакан каратэ ассоциацияси, Шарқ яккакурашини ривожлантириш вилоят жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Шарқ яккакурашининг тарихи ва унинг республикамиз ёшлари ўртасидаги тарбиявий аҳамиятини алоҳида таъкидладилар.

Тантанали тадбирдан сўнг каратэ мусобақаларига старт берилди. Кескин баҳслар остида ўтган 8 ёшлилар мусобақасида Азиза Аҳмадбекова, 12-13 ёшлилар баҳсида Бекпўлат Очилов, 14-15 ёшлилар ўртасида Руслан Юнусов, 16-17 ёшлилар беллашувида Миркомил Абдукаримов ғолиб чиқиб, республика мусобақаларига йўлланмаларни қўлга киритдилар.

Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат.

ЧП "O'RTA OSIYO IR MONTAJ QURILISH SERVIS" (ИНН 205791740, ОКОНХ 61110, ОКПО 20349957, Гувохнома № 001003 от 22.08.2005г.), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Алмазарского (С. Рахимовского) района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Беруний Б-I, д. 11, кв. 25, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение № 1 от 29.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления.

ХУДБИНЛИК

НАФС ЙЎЛИНИНГ ТИКАНЛАРИ

Асли Гулистон шаҳрида туғилиб ўсган Насиба Акмирзаева ота меҳрини кўрмай вояга етди. Мактаб ва коллежни тугатгач, болалар боғчасида туппа-тузук ишлаб юрган эди. Лекин нафс балоси ёмон экан...

Айнан шу боғчада танишган дугонаси охир-оқибат Насибанинг тақдирини ҳам ўзгартириб юборди.

Азиза бир куни қўнғироқ қилиб, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)даги дўконда сотувчилик қилаётгани, топиш-тутиши зўр эканлигини айтиб мақтанганидан кейин Насибанинг ҳаловати йўқолди. Касалманд онасию вояга етмаган укаси ҳам кўзига кўринмади. Сирдарё вилояти ИИБдан "Дунёнинг барча давлатларига чиқиш учун рухсат" визасини расмийлаштириб, дугонасига қўнғироқ қилди. Азиза дугонасининг БААга учиб бориши учун Тошкент-Шаржа йўналишидаги самолётга чипта буюртириб қўйди. Насиба ҳеч кимга билдирмай Тошкентга етиб келдию, дугонаси томон учиб кетди. Онаси, укаси, қариндош-уруғлар сўраб-суриштирмаган жой қолмади. Фақат орадан бир ойлар вақт ўтгандан кейингина Насибанинг ўзи қўнғироқ қилиб, қаердалигини айтди.

Насибани Шаржада кутиб олган дугонаси уни ўзи яшаётган ижара уйга олиб борди. Икки дугона анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Бу вақт Азиза ишдан бўшаган, енгил ҳаёт кечириш йўлига ўтиб олган экан. Насибага ҳам шу ишни таклиф қилди.

Дискотекага дугонаси билан борган Насиба Фейсл Касиза исмли араб йигити билан танишиб, унинг уйига кетди ва деярли икки йил у билан бирга яшади. Бу орада бироз инглизча сўзлашни ўрганиб, Фейслнинг дўконида сотувчилик қилди. Онасига ҳар ойда 300-400 АҚШ доллари миқдорида пул ҳам жўнатиб турди. Лекин визасининг муддати ўтиб кетганлиги ва онасининг қистовлари билан Тошкентга қайтиб келишга мажбур бўлди.

Орадан тўрт-беш ой ўтгач, кўнгли яна "саёҳат"ни тусаб қолдию, бу сафар Туркиядаги Феруза исмли дугонасига қўнғироқ қилди. Ноқонуний йўллар билан Қозоғистон республикасининг Чимкент аэропортига кириб бориб, у ердан Истамбулга қараб учди. "Тирикчилиги" яхши ўтиб турганди-ю, кутилмаганда ҳомиладорлиги билиниб қолди ва орқага қайтишга мажбур бўлди. Украина, Қозоғистон орқали йўл босиб, Ғиштқўприк чегара постидан мамлакатимизга кириб келаётганда, ҳужжатларидаги чалкашлик, виза муддатининг аллақачон ўтиб кетганлиги сирни фош қилди...

Эндигина 25 ёшни қаршилаётган Насиба Акмирзаева бундан буёғига "судланган" деган тамға билан таниш-билишлар ўртасида қандай бош кўтариб юраркин?!

Жамшид ҚЎШИЛОВ,
Зангиота тумани прокурор ёрдамчиси.

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

«ҚИШЛОҒИМ КИШИЛАРИ»

Бекободлик журналист Карим Мавлоновни вилоятимиз ижодкорлари яхши танишади. Қалби меҳрга, самимиятга ошно, табиатан камтар, қамсуқум қаламкаш ўзи айтганидек, "кўнгил учун ёзиб юради". Тўғри-да, ахир ишқли, дардли халқмиз. Зийраклик, бохабарлик, воқеликка муносабат билдириш ўзини билган, ўзгани ҳурмат қилган инсоннинг қалб аъмоли.

Шу маънода Карим акамнинг маънавий оламидан дарак берувчи "Қишлоғим кишилари" китоби ҳар қандай ўқувчини бефарқ қолдирмаслиги табиий. Уни маълум маънода, "Тонглар оппоқ, туйғулар оппоқ" китобининг мантиқий давоми дейиш мумкин.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али эътироф этганидек, муаллиф ёзувчиликни, шоирликни даъво қилмайди. "Балки ёзгиси келганидан қўлига қалам олади, уни илҳомлантирган мавзуларда ниманидир қоғозга туширади". Ҳақиқатан ҳам шундай. Карим Мавлон насрда ҳам, назмда ҳам баҳоли қудрат қалам тебратади. Муҳими, улардан самимийлик уфуриб туради. Содда қишлоқ одамларининг тўпори табиати-ю, беғуборлик, бағрикенглик фазилати, ҳазил-мутойибага мойиллиги сезилиб турадиган ҳикоя ва ҳангомаларни ўқиган киши чеҳрасида майин табассум, қароқларида меҳр, кувонч томчилари пайдо бўлиши ҳам шундан, "Кенгга – кенг дунё", "Қалдирғоч", "Қайтар дунё экан", "Қиёмат қарз", "Отам ҳақида ҳикоялар", "Қишлоқ ҳангомалари"ни ўқинг, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Шу ўринда ижодкорнинг шеърларини ҳам таъкидлаш жоиз. "Ватан мадҳи", "Байроғим", "Ўзбекнинг нони", "Улуғ ҳазратга" шеърларида ватанпарварлик туйғулари акс этса, "Онамнинг ўгитлари", "Юрагимда яшар биттаси", "Тушунмайди", "Акамга тўйҳат", "Неваларимга" каби машқларида инсонпарварлик, оилапарварлик хислатлари кўзга ташланади. "Ўювлида шунақа" шеъри ҳам ўзига хос: қишлоқ аҳлининг меҳнатсеварлиги, урф-одат, анъаналарга бўлган ҳурмат-садоқати-ю, айрим бекорчиларнинг қусурлари ҳам қаламкашнинг назаридан четда қолмаган. Айниқса, "Қиз узатаётган ота ҳасрати"ни ўқиган ҳар қандай ота "кўнгилдагини ёзибди-я" дейиши аниқ.

"Асал қизим, новвот
қизим, жон қизим,
Қилаверма юракларни
қон қизим.
Никоҳ куни "Лимузин"
деб қийнама,
Пальтоларнинг
"Лама"сини сайлама,
Қизлар билан ўзарга
баҳс бойлама,
Тўй бўлмасдан қилма
бағрим қон қизим.

Куёвнинг ҳам имконини
ўйлагин,
Уни-буни деган шартни
қўймагин.
Унга фақат муҳаббатдан
сўйлагин,
Шунда келар сенга
шуҳрат-шон қизим.

Ижодкор ҳақида, унинг янги китоби "Қишлоғим кишилари" ҳақида ҳали кўп ва хўп сўзлаш, мулоҳаза юритиш мумкин. Фикримизни Муҳаммад Алининг шу сўзлари билан якунлашни лозим топдик: "Карим Мавлоннинг орзулари бир уммон... Изланиш, ўқиш, ўрганиш – ижодкорнинг қисмати. Ижодкор укамиз изланишлардан толмасин, деймиз".

Сайёра РИХСИЕВА.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ҲЕЧ НИМА ПИНҲОН ҚОЛМАЙДИ

Ҳаммаси орзу-ниятга, мақсадга боғлиқ. Нурли орзу, истиқболли мақсад бирлаштирса, уч кишининг қовушишидан қудратли куч ҳосил бўлади. Жиноий режалар, қабиҳ мақсадни кўзлаб, ўзаро тил бириктирган уч киши эса, уюшган жиноятчи гуруҳга айланади. Токи уларнинг қора ниятлари аниқланиб, пинҳона хатти-ҳаракатлари фош этилмагунича, мамлакат бойлигини талон-торож қилиб, корхонага, тармоққа ва эл-юртга зиён-заҳмат етказилади.

Алимкентда уч кишидан иборат шундай жиноий тўда ўзаро тил бириктириб, иш бошлади. Уни чакана-чукана эмас, оқ-қорани таниган, иккиси олий илмгоҳларда ўқиб, мукаммал таҳсил кўрган одамлар пинҳона ташкил этишди. "Алимкент пахта тозалаш корхонаси" очиқ акциядорлик жамияти раиси Қамбар Саидбеков бош муҳандис Эркин Абдураимов билан товаршунос Нуриддин Эшонқуловларнинг қўйиниларига қўл солиб кўрса, юрак уришлари бир хил, ортидан эргашишга мойилликлари кучли. Ўйчи ўйлагунча, таваккалчи амалий қадамларни дадил қўя қолади. Саидбеков ҳам шундай қилди, уларга қўнглидаги режаларни очди. Муҳандису товаршунос ҳам янги раҳбарнинг лак-лак бойлик келтирувчи мақсадларини рўёбга чиқаришда камарбаста бўлишга қасам ичишди.

Икки елкадошини қўяверинг-у, Қамбар Саидбековнинг ўзи жиноят оламида янги одам эмасди. Тўрт йилгина олдин жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан ҳукм қилинганди. Инсонпарвар жамият унга имкон бериб, 4,3 миллион сўм жаримани тўлагач, амнистия бўйича жазодан озод қилинганди. Мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш муддати ўтгач, ёрдўстлар қўллаб-қувватлашди, Алимкент пахта тозалаш корхонасига олиб бориб, яна раҳбарлик курсисига ўтқазиб қўйишди.

Албатта, эски "тажрибалар" яна қўл келди. Бир муддат атрофидаги ёрдамчиларининг фикр-ўйлари, орзу-интилишларини синчиклаб ўрганди. Пировардида яна бош муҳандис билан товаршуносга кўнглини очди. Икки қўллари кўксиларида, улар ҳам учиб-кўниб рози бўлишди.

Чинакам "саъй-ҳаракатлар" шундан кейин бошланди. Уч оғайни... ўмарувчилар корхона моддий бойликларини талон-торож қилишга киришишди. Бунинг учун ҳеч нарсадан ҳазар қилишмади. Калта момиқ аралаш чиқиндилардан бошлаб, чигиттача четга пуллай бошлашди. Қисқа фурсатда "Жавлон", "Озодлик", "Нурали", "Орифжон", "Саидносир-Саидаҳмад", "Тарум Алланазар", "Уйғунжон-Ёрқинжон", "Чашма" фермер хўжаликларига 3308 тоннага яқин калта момиқ аралаш чиқиндиларни деярли 210 миллион сўмга пуллашди.

Шу билан жиноятчи гуруҳнинг нафси қаноат ҳосил қилди, деб ўйласангиз янглишасиз. Улар энди корхона ишлаб чиқариши учун ниҳоятда зарур бўлган ноёб, қимматбаҳо ускуналарни талон-торож қилишга киришишди. 2009 йилги пахта ҳосилини қайта ишлаб, тола чиқариш жараёнида технологик меъёрдаги 806 ўрнига ҳужжатларда 2833 дона колесник, 5140 дона ўрнига 8335 дона арра ишлатилди, деб расмийлаштириб, 31,5 миллион сўмликдан кўпроқ асбоб-ускуналарни "сув" қилишди.

Бошқа "чакана-чукана" ўғирликлар, чунончи, қўлбола ёғ ишлаб чиқарувчи пинҳона тадбиркорларни тоннатонна чигит билан таъминлаб туришлар бу ҳисобга кирмайди. Шундай майда-чуйда жиноятларни ёпиш учун пахтани қайта ишлаш натижаларининг якуний кўрсаткичларида чигит чиқиши меъёрдагидан 3,3 фоиз камайтириб кўрсатилган. Агар шунинг ўзидан корхонага 55,2 миллион сўм зарар етказилганлиги айтилса, томган сари кўл пайдо бўлиши ҳақидаги мақол чинакам донишмандлик эканлиги аён бўлади.

Албатта, пинҳона жиноятлар очилиб, иш судга оширилгач, одам жазодан қутулиб қолиш учун ҳар қандай хас-чўпга илинж билан талпинади. Қамбар Саидбеков умрида иккинчи марта шундай ҳолатга тушди, ўзини кўп ишлардан хабарсиз, у ёки бу "операциялар"дан четда турган одам қилиб кўрсатишга уринди. Ҳатто, талон-торож қилиб юборилган миллион-миллион сўмлик асбоб-ускуналарни "корхона паст навли пахта хом ашёсини кўп қабул қилганлиги учун ортиқча ишлатилганлиги" билан изоҳлади.

Лекин ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Буни Саидбековнинг ўзи ҳам яхши тушунади. Шу сабаб суд мажлисидаги "нутқи"ни "етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги" ҳақидаги дийдиёлар билан тугатди.

Аммо бу жиноий гуруҳга Эркин Абдураимовнинг қандай илашиб қолганлиги тушунарсиз. Ахир, у бутун умр шу корхонада меҳнат қилган, 29 йил турли вазифаларда ишлаган, Саидбеков раҳбар бўлиб келгач, атиги олти ойгина бош муҳандис бўлганди. Суддаги сўзини "қилмишидан пушаймонлигини" баён этиш билан якунлаганлигидан англаш мумкинки, у ҳам ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаган. Аксинча, тергов-суд жараёнида технологик ускуналар талон-торож қилинганлигини исботловчи далиллар етарли тўпланди. Товаршунос Нуриддин Эшонқулов ҳам "жиноий учлик" таркибида ҳаракат қилиб, расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш билан шуғулланган, шу йўл билан давлат ва меҳнат жамоаси манфаатларига жиддий зарар етказган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди ишни кўриб чиқиш чоғида дастлабки тергов ва тафтиш материалларини атрофлича ўрганди, кўплаб гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглади. Шулар асосида Қамбар Саидбеков, Эркин Абдураимов ва Нуриддин Эшонқуловни Ўзбекистон Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича айбли деб топди. Қамбар Саидбеков уч йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари – 18 миллион 840 минг сўм жарима ва икки йил ахлоқ тузатиш иши жазолари тайинланди. Ойлик иш ҳақидан давлат даромади ҳисобига 20 фоиз ушлаб қолиш белгилаб қўйилди. Эркин Абдураимов ҳам айнан шундай жазо олди. Нуриддин Эшонқуловга нисбатан эса, масъул лавозимларда ишламаслик муддати уч йил белгиланган ҳолда, энг кам ойлик иш ҳақининг 550 баравари – 20 миллион 724 минг сўм миқдоридаги жарима жазоси тайинланди.

Ҳақиқат шундан иборатки, ҳеч қачон жиноят жазосиз қолмайди. Жазо фақат озодликдан маҳрум қилиш дегани эмас. Ҳатто, қинғир йўллар билан орттирилган мол-дунёни суд ҳукмига кўра, ҳақиқий эгаларига қайтариш ҳам дегани эмас. Энг оғир жазо мисқоллаб орттирилган обрў-эътибордан бирваракайига маҳрум бўлишда. Яна ҳам ёмони – эл-юрт олдида юзи шувит бўлиб қолишда. Одам буни қанчалик эрта идрок этса, бу дунёда ёруғ юз, имон-эътиқод билан яшаб ўтади.

Жўра АЛИЕВ.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 23.03.2011 йилда № 0512625 гувоҳнома рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 432212024) якка тартибдаги тадбиркор Сагатов Асрол Ульмасовичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"KAYKAVUZ-SAVDO" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 17.262.000 сўмдан 2.500.000 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Тел.: 438-43-45.

Тошкент вилояти давлат педагогика институти томонидан 1995 йилда Арислонов Абдухаким Ташпўлатович номига берилган № 029754 рақамли диплом ҳамда 1996 йилда "Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари" – 3 ойлик курси бўйича берилган № 535 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"ZIYODA-SARDOR" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 485 881 563,3 сўмдан 412 100 070 сўмга камайтирилганлигини маълум қилади. Тел.: 332-06-41.

Ўзбекистон Республикаси ССВ лицензия бериш кенгаши томонидан "KO'KCHA FARM" шўъба корхонаси (ИНН 204995907), Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-11, 3/52-сонли дорихона шахобчасига (09.07.2009 йилда 10-сонли қарор билан рухсат этилган) тасдиқланган лицензия нусхаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 12821. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.20. 12345